Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 август, пайшанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 158 (1160)

# ШОДИЁНА ЯҚИНДИР, ИСТИҚЛОЛ, ФАХРИМ! МАДҲИНГНИ КУЙЛАЙДИ УШБУ ДАМ ХАЛҚИМ!

## МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ




СУРАТДА: *мажлис пайти.*

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) тасвирга олган.

***1995 йил 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди.***

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида Миллий Хавфсизлик Кенгашини тузиш зарурлигини асослаб берган эди.

Кенгаш давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг маслаҳат органи бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсати қоидаларини белгилаб бериши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Шунга мувофиқ, 1995 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Кенгаши тўғрисида»ги Фармони чиққан ва унда кенгаш таркиби ва низоми тасдиқланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Кенгаш Раиси биринчи мажлисда сўзга чиқиб, Миллий Хавфсизлик Кенгашининг вазифаларини белгилаб берди.

Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш мақсадида:

1. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 250 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 645 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 400 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1995 йил 1 сентябридан:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,33 баравар;

мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа халқ таълими муассасалари ўқитувчиларининг, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядни ошириш ҳисобига ўртача 1,5 баравар кўпайтирилсин.

3. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,33 баравар оширилсин.

4. 1995 йил 1 сентябридан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга нафақалар миқдори ойига 350 сўм;

болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 645 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 400 сўм.

5. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1995 йил 1 сентябридан бошлаб амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

8. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига мазкур фонд маблағлари ҳисобидан ходимларнинг иш ҳақига шахсий устама ҳақларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ана шу фондни ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети ҳисобидан қоплансин.

Молия вазирлиги бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомни тасдиқласин ҳамда уни аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги 1080-сон Фармони (4-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 август.

## «ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон ҳукумати республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини доимо диққат марказида тутиб келмоқдалар. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони ҳам бунинг далили бўлиб, уни рўёбга чиқаришга фақат шу йилнинг охиригача республика бюджетидан 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади, бир йилга ҳисоблаганда эса 18 миллиард сўмни ташкил қилади.

Бу эса хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олаётган фуқароларнинг барча турдаги пенсияларини, шунингдек, республика олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 1,33 баравар кўпайтириш имконини беради. Меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 1,5 баравар оширилади ва 645 сўмни, стипендиялар миқдори эса 565 сўмни ташкил қилади. Шу мақсадлар учун бюджетдан 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 1,4 баравар оширилади, болалигидан ногиронлар учун нафақалар эса 1,6 баравар кўпайтирилади ва ойига 645 сўмни ташкил қилади. Бунинг учун йил охиригача бюджетдан 500 миллион сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

1 сентябрдан бошлаб энг оз иш ҳақи миқдори 1,7 баравар оширилади ва у 250 сўмни ташкил этади. Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади ойига 400 сўм миқдорида белгиланаяпти. Бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи 1,33 баравар кўпайиб, ўрта ҳисобда 910 сўмни ташкил қилади, бу эса йил охиригача 3 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ ажратилишини тақозо этади.

Шу билан бир қаторда Фармонда бюджет муассасаларига ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида махсус фонд ташкил қилишга рухсат берилади.

Республикада халқ таълими ва олий таълим тизими ходимларига ҳамиша катта эътибор бериб келинди. Фармонда мактаб ўқитувчиларининг, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақини 1,5 баравар ёки ўрта ҳисобда 400 сўм кўпайтириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонда назарда тутилаётган чора-тадбирлар фақат бюджет маблағлари ҳисобидангина Ўзбекистон аҳолисидан салкам 4,5 миллион кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларига иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида ошириш ва бунда мазкур Фармонга мувофиқ энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминлаш тавсия этилган.

## ВЬЕТНАМ ТАШКИЛ ТОПГАН КУНГА БАҒИШЛАНДИ

***15 август куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида мамлакат мустақиллигининг 50 йиллиги олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.***

2 сентябрь куни Вьетнам Социалистик Республикасининг ташкил топганига ярим аср тўлади. Анжуманда Вьетнамнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Ван Дак журналистлар саволларига жавоб берар экан, бугун ўз мамлакатида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳақида сўзлади.

— Вьетнам халқининг қарийб 30 йил давомида ўз мустақиллиги учун кураш олиб боргани, миллионлаб қурбонлар берганини жаҳон аҳли яхши билади, — деди у. — Айни пайтда жаҳонда юз бераётган чуқур ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, Вьетнам ҳам бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтмоқда. Иқтисодиётда кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Вьетнам ҳукумати Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ва дипломатия алоқаларини ўрнатди. Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўп йиллик синовлардан ўтган. Бугун Вьетнам халқ хўжалигида меҳнат қилаётган минглаб мутахассислар Тошкентдаги олий ўқув юртларида таҳсил олган.

1993 йили Тошкентда Вьетнам элчихонаси очилгач, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ҳаво қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликни янада кенг ривожлантириш имконини беради.

**(ЎзА).**

## НУКУС АНЖУМАНГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Маълумки, шу йилнинг сентябрь ойида Нукусда Орол денгизи муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилади.

Шу кунларда Қорақалпоғистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида ўтказиладиган ушбу анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Яқинда таркиби белгиланган анжуман ташкилий қўмитаси ўз мажлисида республика пойтахтида, жумладан, туман марказларида ва аҳоли пунктларида мавжуд санитария аҳволини яхшилаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим чора ва тадбирларни белгилади. Ушбу йўналишда юргизилажак ишларга қўшимча хайрия ҳисоби очилди.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Бозор ислоҳотлари йўлида*

## ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШМОҚДА

***Бухоро шаҳрида Бухоро ва Навоий вилоятлари тадбиркорларининг бизнес-анжумани бўлди. Анжуманда уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммолар таҳлил этилди, хусусий ташаббускорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар айтилди.***

Минтақа тадбиркорларининг бу учрашуви муҳим иқтисодий тадбир — республика бизнес-анжумани доирасида ўтказилди. Бу тадбирларни амалга оширишда республика Бизнес-жамғармаси, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, республика Давлат солиқ бошқармаси, Адлия вазирлиги, республика Тадбиркорлар иттифоқи, Ўзбекистон Тадбиркор аёллар уюшмаси, банклар мутахассислари ҳамда матбуот вакиллари иштирок этди.

Учрашувга тайёргарлик жараёнида маҳаллий ҳокимликлар қишлоқ хўжалиги тараққиётини, қишлоқда хусусийлаштириш суръатларини иқтисодий жиҳатдан таҳлил этди, фермер хўжаликларининг имкониятлари ва қайта ишлаш саноатининг эҳтиёжлари аниқланди. Қишлоқ аҳолисининг мавсумий иш билан банд бўлиши, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига янги иш жойларини барпо этиш шароитлари ўрганилди.

Бизнес-анжуман иштирокчилари хўжаликлар ва корхоналарнинг ходимлари билан учрашдилар, ижобий тажрибаларни ўргандилар, тадбиркорларнинг таклифларини ва шикоятларини ҳисобга олдилар. Сўнгра якунловчи учрашув бўлди. Уни Бухоро вилояти ҳокими Мавлон Раҳмонов очди. У ўз нутқида вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг боришига баҳо берди, тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир таклифларни айтди.

Бухоро вилоятида давлатга қарашли бўлмаган корхоналар кўпайиб бораётгани таъкидланди. Улар 1993 йилда жами маҳсулотнинг 11 фоизини ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир уларнинг улуши ялпи маҳсулотнинг учдан икки қисмидан ҳам кўпроқ. Бироқ мулкчилик шакли ўзгарган кўп корхоналар ва хўжаликлар бозор шароитида тўғри йўл топа олмади, абжирлик билан ишлай олмади. Айрим йирик корхоналар хомашё ва маҳсулот бозорида кичик ва ўртача тадбиркорлик тузилмалари билан рақобат қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлди. Бизнес-анжуман иштирокчилари мавжуд қонунларга қарамай, хусусий тадбиркорлар маблағ ва транспортдан фойдаланиш борасида давлат корхоналари билан бир хил шароитда эмаслигини таъкидлашди. Республика минтақаларида ўтказилаётган бизнес-анжуманлар тадбиркорликнинг юксалишига хизмат қилади, деган ишонч билдирилди.

**(ЎзА).**

## «ДУНЁ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШИ КЕРАК»

**Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси мухбирлари ўз олдиларига шундай мақсад қўйишганини изҳор этдилар**

***Қарийб бир ойдирки, «Юнимедиа» мустақил ахборот маҳкамаси ва «Таймс» газетаси ўртасидаги шартномага асосан суверен мамлакат — Ўзбекистон ҳақида жаҳон аҳлига ҳикоя қилиб беришга аҳд қилган журналистлар Таиса Бокс ва Эндрю Бэннок республикамиз вилоятларида сафарда юришибди. Улар Самарқанд, Бухоро, Навоийда бўлишди, энди йўлни Фарғона водийси томон олишмоқчи.***

Албатта, дунёдаги энг нуфузли матбуот нашрларидан бири ҳисобланмиш, 200 йилдан кўпроқ вақтдан буён ер юзи томир уришини турли жанрларда ифодалаб келган, ўз қиёфаси ва анъанасига эга бўлган «Таймс» газетасининг юртимизга қизиқиши бежиз эмас. Ўз саҳифаларида Америкадаги ҳайратомуз кашфиётлару Япониядаги мўъжизалар, Африка тўқайларидаги ёввойи ҳаёту Шимолий Муз уммонидаги сир-синоатлар ҳақида қизиқарли мақолалар беришга одатланган обрўли нашр сафар йўлланмасига Ўзбекистонни қайд этар экан, аввало, юртимизнинг бой тарихи ва бугунги барқарор сиёсий муҳит, шунингдек, тўрт йил ичида қўлга киритилган ютуқлар бунга асос бўлгани шубҳасиз. Эҳтимол, деярли ҳар куни, баъзан иловалар билан полиграфия саноатининг энг сўнгги ютуқлари даражасида юз саҳифалаб, бир неча миллион нусхада чоп этиладиган газетада юртимиз қиёфаси биринчи марта тўла ва ҳаққоний акс этади ва янги дўстлик робиталари учун ташриф қоғози бўлиб қолади.

Куни-кеча Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида англиялик журналистларнинг Бош вазир ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов билан учрашуви бўлиб ўтди.

— Биз Сизнинг мамлакатингизни Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб «кашф» қилиш»га аҳд қилдик, — деди учрашувда Таиса Бокс хоним. — Бу ишончга барқарорлик ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги дадил қадамларингиз туфайли Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган қизиқиш сабаб бўлди. Афсуски, хорижда эзгу ниятлар билан келажак сари дадил бораётган Ўзбекистон ҳақида ҳақиқатни билишмайди, баъзан унга қора кўзойнак орқали қарашлар мавжуд. Сафаримизнинг энг асосий мақсадларидан бири, ер юзининг барча нуқталарида тарқалувчи газетамиз орқали ўз ўқувчиларимизга Ўзбекистоннинг ҳақиқий ҳаётини кўрсатиб беришдир.

Лойиҳа директори сўзини давом эттириб, сафар ниҳоятда таассуротларга бой бўлганини, бунинг ифодаси ўлароқ, бир нечта ён дафтарлар ёзувлар билан лиқ тўлганини сўзлаб, бой табиий заҳираларга ва юксак маънавий меросга эга бўлган юрт ҳақида ёзиш ниҳоят илҳомбахш ва хайрли эканини таъкидлади. «Биз турли тоифа кишилари билан кўплаб учрашувлар ўтказдик, — деди у. — Учрашувларимизнинг аввали Президент И. А. Каримов билан бўлиб ўтди. Бу мулоқот бизда кучли таассурот қолдирди. Юртбошингизнинг келажакка қатъий ишонч билан қараши, чуқур далилли фикр-мулоҳазалари бизга буюк келажакнинг хуш сабосидек туюлди. Шубҳасиз, бизнинг ёзадиган кўплаб мақолаларимизнинг биринчиси ҳам Президент билан бўлган суҳбатга бағишланади. Шуниси қувончлики, биз келажакка ишонч туйғусини тадбиркорларда, ишбилармонларда ва бошқа тоифа меҳнат аҳлида кўрдик. Эҳтимол, бизнинг камтарона хизматимиз мамлакатга яна чет эл сармояларини жадалроқ жалб этишга ёрдам берса, ажаб эмас. Агар шундай бўлса, биз мақсадимизга эришган бўламиз».

Ўткир Султонов меҳмонга самимий тилаклари учун миннатдорчилик билдирди ва сафар муваффақиятли тугалланишини тилади. Шундан кейин Бош вазир ўринбосари жаноб Эндрю Бэннокнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Жумладан, чет эллик журналист Ўзбекистон кейинги тараққиёт даврида бунчалик самарали ташқи иқтисодий алоқаларга киришмаганлигини, тўрт йил ичида эса бу борада уфқ ниҳоятда кенгайиб кетганлигини таъкидлаб, бундай катта юмушга мутахассислар ва хизмат доираси қандай тайёрланганлиги билан қизиқди. Жавобда бундай катта ҳажмли юмушлар учун юртимизда салоҳият етарли эканлиги, хусусан, республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш кенг ҳажмли ишларни юқори даражада эплагани таъкидлаб ўтилди. Мулоқот давомида чет эллик ҳамкорларга яратилаётган қулайликлар, экспорт-импорт муносабатларидаги янги афзалликлар, жумладан, Миллий банкнинг бу борадаги фаолияти ҳақида ҳам батафсил сўз борди. Шунингдек, икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, қўшма корхоналар тузиш ва бошқа йўналишдаги иқтисодий-молиявий ҳамкорликлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Лойиҳа директори Таиса Бокс хоним Ўзбекистон ҳақидаги мақолалар «Таймс» газетасининг шу йил октябрь-ноябрь ойларидаги махсус иловасида эълон этилиши мўлжалланаётганини маълум қилди. Суҳбат охирида меҳмонлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳам мулоқотда бўлишди. Улар келажакка ишонч билан қараётган мамлакат ҳар қандай вазифани шараф билан уддалашига шак-шубҳа йўқлигини таъкидладилар.

**Ҳ. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан*

# САМАРҚАНД: ТАЙЁРГАРЛИК ЗЎРУ, ЛЕКИН...

***Ватанимизда ота-боболаримиздан қолган урф-одатларнинг, қадриятларнинг тикланиши, улуғ аждодларимиз руҳи шод этилаётганлиги ҳар бир киши қалбини ифтихорга чулғаши, шубҳасиз. Чунки, айнан тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизни дунёга аён қилмоқ орқали халқимизнинг қадди ростланмоқда, миллий ғурури тикланаяпти. Буларнинг бари давлатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам ўз аксини топмоқда.***

Бу ерда юлдузлар илмининг султони Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан, айниқса, катта ишлар бажарилган эди. Унга тайёргарлик даврида вилоятдаги тарихий меъморчилик обидаларини таъмирлаш учун миллионлаб маблағ сарфланди. Натижада кўҳна Регистон, Гўри Амир мақбараси, Улуғбек расадхонаси сингари асрий ёдгорликлар асл ҳолига келтирилди. Челак туманидаги Хожа Исмоил ал-Бухорий масжидини мусулмон оламининг зиёратгоҳи ва илм-маърифат марказига айлантириш ишлари давом этаётир. Пайғамбаримиз авлодидан бўлган, тариқат илмининг беназири Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи ободонлаштирилиб, бу муқаддас даргоҳда ёдгорликлар мажмуи бунёд қилинди. Самарқанднинг обрў-эътибори, нуфузи шундай эзгу ва савоб ишларда янада юксалиши, шубҳасиз.

Мирзо Улуғбек, Ҳожа Аҳрори Вали, Абу Мансур Мотурудий, Абу Лайс Самарқандий, Хожа Исмоил ал-Бухорий каби улуғ аждодларимизга бағишланган тантаналар ўзлигимизни дунёга англатишга ҳам хизмат қилади. Уларнинг руҳи поклари бизни ҳар жиҳатдан қўллаши, бўлғуси авлодларга обод ва озод Ватан қолдиришда бу зотларнинг тафаккур хазинаси йўлимизни ёритиб туриши, шубҳасиз.

Буюк соҳибқирон, дунё тарихининг улуғ сиймоларидан бири Амир Темурнинг азиз номи, шон-шуҳрати Самарқанд билан боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилингач, вилоят ҳокимиятида бу муборак сана муносабати билан амалга оширилажак ишлар режалаштирилди. Вилоят фаоллари, мутахассислар иштирокида алоҳида йиғилиш ўтказилди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказувчи ташкилий қўмита тузилиб, унинг таркибига етук мутахассислар, олимлар киритилди. Ҳозирги кунда вилоят ҳокимининг бу ҳусусда қабул қилган қарорини амалга ошириш бўйича жойларда қизғин ишлар амалга ошириляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Самарқандда 1995—1996 йилларда таъмирланадиган тўққизта объект белгиланган эди. Вилоят ҳокимияти ўз имкониятларини ҳисобга олиб, уларнинг сонини ўттиз бештага етказишга қарор қилди.

Юбилей тантаналари бутун жаҳон эътиборида бўлиши муқаррар. Бу улкан маърака муносабати билан халқимиз маданияти, маърифати, маънавияти ва истиқлолимиз ютуқлари яна бир бор синовдан ўтади. Самарқандда ушбу анжуманга ана шу нуқтаи назардан ёндошилмоқда. Вилоят ҳокимлигида Амир Темур шарафига ёдгорлик мажмуини барпо этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Бунинг учун танлов эълон қилиниб, махсус комиссия иш олиб бораётир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида махсус халқаро сайёҳлик маршрутларини очиш лозимлиги таъкидланган эди. Вилоят ҳокимлиги ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда чет эллик сайёҳлар учун янги маршрутлар очишга қарор қилди. Улар Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ансамбли, Бибихоним масжиди, Регистон мажмуи, А. Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Гўри Амир мақбарасини ўз ичига олади. Бундан ташқари Ҳожа Аҳрори Вали зиёратгоҳи, Маҳдуми Аъзам мажмуи, Ҳожа Исмоил ал-Бухорий масжиди ҳам улар таркибига киради. Мазкур сайёҳлик йўналишларида Амир Темур ва темурийлар ҳақида, ўша давр маданияти, илму фани, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида батафсил маълумот берилади.

Албатта, жаҳон аҳамиятига молик бундай улкан анжуманни таомилдагидек ўтказиш учун анча-мунча маблағ зарур.

Ишлар кўлами молиявий масалаларни ўз вақтида ҳал этишни тақазо қилади.

Шу ерда бу масала юзасидан айрим мулоҳазаларни билдириш ўринлидир. Улуғ мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги тантаналари асосан Самарқандда ўтказилганидан барча хабардор. Шу муносабат билан вилоятда катта ободончилик, таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг юбилейга бағишлаб қабул қилган қарорида республика бюджетидан маблағ ажратиш кўзда тутилганди. Бироқ Самарқанддаги махсус илмий-таъмирлаш устахонаси амалга оширган ишлар учун ажратилиши лозим бўлган анча маблағ ҳанузгача берилгани йўқ. Ишчи-хизматчилар, усталарнинг нодир санъати, меҳнати ўз қадр-қимматини топмаяпти. Бундай ҳол кўп нарсага тўсиқ бўлиши мумкин. Ахир усталар вақтида ҳақ ололмасалар, баъзи корхоналарга, таъмирлаш ташкилотларига қурилиш материаллари учун пул берилмаса, бу аҳволда иш юришармиди?

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• 17 август — Индонезия Республикаси мустақиллиги куни*

***Бундан бир неча йиллар муқаддам гўзал ва латофатли Индонезия мамлакати ҳақида жуда кам маълумотларга эга эдик. Мустақиллик шарофати боис, биз нафақат ушбу давлат ҳақида, балки ўн етти минг оролдан ташкил топган, аҳоли нуфузи бўйича эса дунёда тўртинчи ўринда турадиган Индонезия Республикаси билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга ҳам эришдик.***



# ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИ

Дарвоқе, Индонезия Ҳинд ва Тинч океанлари туташган жойда жойлашган йирик давлатлардан биридир. Ер майдони — 1,9 миллион кв. километрни ташкил қилади. Аҳолиси — 190 миллион кишига яқин.

Индонезия халқи тарих саҳнасида узоқ йиллар давомида мустамлакачилик даврини бошдан кечирди. Шу даврлар ичида индонезияликлар ўз эрки ва мустақиллиги йўлида бир неча бор мардонавор курашдилар. Мустамлакачиликнинг машаққатли азобидан қийналган халқнинг асрий орзу умидлари 1945 йилнинг 17 августида рўёбга чиқди. Индонезия шу куни ўз мустақиллигини эълон қилди.

Аммо мустақилликни сақлаб қолиш, мамлакатни ягона давлат сифатида қарор топиши учун Индонезия ҳалқини яна бир неча йиллар мобайнида инглизлар ва голландларга қарши кураш олиб боришига тўғри келди. 1947 йилнинг августида БМТнинг «Холис хизмат комиссияси» мамлакатда иш бошлаб, бу жараёнга ойдинлик киритди. Шунингдек, бир қатор йирик давлатлар Индонезия суверенитетини тан олгандан сўнггина мамлакат мустамлакачилик асоратидан тўла холос бўлиб, тинч тараққиёт йўлига ўтди.



Ўша вақтларданоқ мамлакат иқтисодиётини қолоқликдан олиб чиқиш, замонавий технологияларни эгаллаш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширди. Айниқса, 1966 йилда давлат тепасига келган генерал Сухарто бошчилигидаги ҳукумат мамлакатда бир қатор ислоҳотлар ўтказишга киришди. Мамлакатнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини яхшилаш, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва банк муассасаларини замонавий тарзда вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилди. Саноат, транспорт инфраструктурасини жадаллик билан ривожлантириш соҳаларида муҳим чоралар кўрилди. Бу тадбирлар аҳоли турмуш даражасини юксалишида ва миллий даромад ўсишига имкон яратди. Зеро, бундан 25 йил муқаддам Индонезия дунёдаги энг қашшоқ давлат сифатида эътироф этиларди. 1960 йилда киши бошига тўғри келадиган даромад 50 долларни ташкил этган эди. Бу рақамни ўша вақтдаги Жанубий-Шарқий Осиё ва Африка мамлакатларидаги иқтисоди қолоқ давлатлар билан муқояса қилганда ҳам энг паст кўрсаткич эди. Эндиликда эса, аҳоли сони икки баробар ўсганига қарамай бу кўрсаткич 670 долларга етди. Мамлакатда аҳолининг кўпайиш даражасига нисбатан шоли, шакар, кофе, палма мойи, нефть, каучук етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Масалан, мамлакатда 1993 йилда 48,1 миллион тоннадан ортиқ шоли, 1 миллион тонна соф каучук, 400 минг тонна кофе, 2 миллион тонна палма мойи, 260 минг тонна чой ишлаб чиқаришга эришилди. Бу рақамлар эса ўтган йилларга нисбатан бир неча баробар кўп деганидир. Шуни ҳам айтиш жоизки, мустақиллик йилларида машинасозлик, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, электр энергетикаси, газ саноати ривожланди.

Бугунги кунда Индонезия ишончли ҳамкор сифатида ўз ташқи иқтисодий алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, чет эл инвесторларини кенг миқёсда жалб этмоқда. 1967 йилдан шу вақтгача мамлакатга 40 миллиард доллар ҳажмида хорижий сармоя киритилди. Бу эса саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасини такомиллаштиришда, ишлаб чиқаришнинг ўсишига омил бўлмоқда. Ҳозирда мамлакат экспорти йилига 6 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Дўст Индонезия халқи билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора камол топмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилнинг июнь ойидаги минг орол мамлакатига ташрифи ушбу ҳамкорликка ҳуқуқий асос солган эди. Ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тўғрисида қўшма баёнот, дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма ахборот, иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди. Имзоланган ушбу ҳужжатлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Шу йилнинг апрель ойида Индонезия Президенти Сухартонинг мамлакатимизга расмий ташрифи Ўзбекистон — Индонезия муносабатларининг янада чуқурлашувида муҳим ўрин тутди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо иқтисодий, сармоя сарфлаш, саноат, фан ва технология, транспорт ва туризм соҳаларига оид бир неча муҳим ҳужжатларга қўл қўйилди.

Айни вақтда мамлакатимизда пахта саноати, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда хизмат қиладиган бир неча Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, яқин кунларда Тошкент-Жакарта йўналиши бўйича самолёт қатновини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Сирасини айтганда, мамлакатларимиз ўртасидаги ушбу ҳамкорлик алоқалари ягона Исломий маданиятга эга бўлган-икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкам боғлайди. Биз эса шу кунларда ўз мустақиллигининг 50 йилиги байрамини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлари билан кутиб олаётган Индонезия халқига юксак тараққиёт



йўлида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БЕМОРЛАР ...ХУРСАНД

**(Митти фельетон)**

***Бойсун туман марказий шифохонаси бош врачлигига Жўра Назаровнинг тайинланиши жуда яхши иш бўлди.***

У зудлик билан шифохона ҳовлисида... сигарет савдосини ташкил қилди. Омонхонада шундоқ ҳам сойга оқиб ётган маъданли сувнинг бир косаси эса — уч сўмга чиқди. Зарурат туғилиб қолса, ароқ ҳам топилиши мумкин..

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мубири.**


*Билдириш*

*Ҳурматли уяли алоқа абонентлари!*

UZDUNROBITA cellular

**Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунчилигига мувофиқ "Уздунробита" қ.к дирекцияси уяли алоқа абонентларини хизмат кўрсатиш шартномаси шартларидан бири -"Уздунробита" қўшма корхонасига билдиришсиз ва розилигисиз уяли алоқа аппарати (хизмат кўрсатиш) ни ўзгаларга бермасликни эслатиб қўйишни ўз бурчи деб билади.**

**Бу шартлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 августдаги 379-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), улардан фойдаланиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосланган бўлиб қуйида унинг айрим бандларини келтирмиз.**

*1.6. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни сотиб олиш, шунингдек, уларнинг бир вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, хорижий юридик шахслар ва фуқароларга ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун бериш амалга оширилади.*

*2.14. Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тегишли рухсатномаларсиз тайёрланган ва сотиб олинган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг ёзма кўрсатмаси билан, бу воситалар ва қурилмаларининг эгалари томонидан сотилиши ёки агар улардан фойдаланиш учун рухсат берилиши мумкин бўлмаса, қиймати тўланмасдан вазирлик томонидан мусодара қилинади.*

*Мусодара қилинган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни фойдали суратда ишлатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.*

*3.19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан қонунга зид равишда фойдаланиш ҳолларига барҳам беришда ҳамда Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари, ташкилотлари фуқаролари томонидан тегишли рухсатномасиз тайёрланган, сотиб олинган ёки фойдаланилаётган ана шундай воситалар ва қурилмаларни мусодара қилишда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг мансабдор шахсларига белгиланган тартибда зарур ёрдам кўрсатадилар.*

**Уяли алоқа оператори сифатида "Уздунробита" қ. к ўз абонентларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида радиотелефонларни бериш (қайта расмийлаштириш) учун барча зарур руҳсатнома бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Бунинг учун абонент тузилган шартнома шартларига мувофиқ (алоқани) ўзгаларга беришни қ. к дирекцияси билан келишиши зарур.**

*Бу шартларни бажариш сизни мушкул аҳволга солмайди, деган умиддамиз.*

***Ҳурмат билан,***
***"Уздунробита" Қ. К дирекцияси.***



Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!



**"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.**
**"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.**

*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*
"АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:
*Тошкент, 700060,*
*Мовароуннахр кўчаси, 19-уй.*
*Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70*
*Телефакс: (3712) 33-84-71*
*ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:*
*"Ибн-Сино" дорихонаси:*
*(3712) 44-24-34, 40-44-83.*
*"Фармед" дорихонаси:*
*(3712) 47-98-90.*



"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.



**Миллий Инвестиция фондининг акциялари бу**
***- маблағларингизни ишончли қўлларга топшириш***

MILLIY INVESTICIYA FONDI
МИЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

***ва сизнинг сармояларингизнинг тез ўсишидир.***

Сотиб олиш - 100 сўм; Сотиш - 100 сўм.

Тошкент шаҳри, Мустақиллик, 6 (1-подъезд, 3-қават).
Тел.: (3712) 39-17-63, 39-15-79, 39-44-63.



**Ижарадаги Гулистон матбаа ишлаб чиқариш бирлашмаси пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга**

1. Маҳкама китоби.
2. Иш юритиш дафтари.
3. Эҳтиёж катталигидаги қоғозлар.
4. Ёзув дафтари.
5. Ўқувчилар кундалик дафтари.
6. Расм дафтари.
7. Умумий дафтар.

**СОТАДИ**

*Алоқа учун телефонлар:*
*2-12-16, 2-09-44.*



**ТАШКИЛОТ**

*Тошкентдаги омборидан-редукторларга эҳтиёт қисмлар, барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари учун редукторлар, заводникидан анча арзон нархларда* **Т-28х4, МТЗ-80** *маркали тракторларнинг олдинги ва ортки кўприкларини харид қилишга таклиф этади.*

**Сиз учун қулай бўлган истаган усул билан ҳисоблашилган заҳоти моллар тўхтовсиз жўнатилади.**

**Телефон: 75-57-84.**


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Н. Абдуллаевга волидаи муҳтарамалари
**Тухфа ая ТОЛИПОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари ички хизмат полковниги Б. Б. Носировга онаси
**МОҲИРА аянинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Пойафзал ва спорт моллари» ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси, бирлашма раисининг ўринбосари Бахтиёр Ҳожиевга умр йўлдоши
**Хуршидахон ХЎЖАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

